



THE PLACE OF MANAGEMENT IN THE DEVELOPMENT OF SOCIETY

Mardonov Aziz Botirovich¹

¹ Master's degree from Tashkent State Law University
5A240108 - Master's degree in Public Administration Law
<https://doi.org/10.5281/zenodo.4898863>

ARTICLE INFO

Received: 20th May 2021
Accepted: 25th May 2021
Online: 30th May 2021

KEY WORDS

Concept of Administrative Reforms in the Republic of Uzbekistan, Action Strategy, Central and Local Executive Power, E-Government.

ABSTRACT

Public authorities play an important role in improving the living conditions of citizens, increasing the effectiveness of ongoing reforms to address the existing problems in the administrative and territorial infrastructure of the country.

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА БОШҚАРУВНИНГ ЎРНИ

Мардонов Азиз Ботирович¹

¹Тошкент давлат юридик университети магистратураси

5A240108 – Давлат бошқаруви ҳуқуқи мутахассислиги магистранти

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-May 2021
Ma'qullandi: 25-May 2021
Chop etildi: 30-May 2021

KALIT SO'ZLAR

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси, Ҳаракатлар стратегияси, Марказий ва маҳаллий ижроия ҳокимияти, Электрон ҳукумат.

ANNOTATSIYA

Фуқароларнинг яшаши шароитини яхшилаш, мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий инфратузилмасида мавжуд муаммоларни бартараф этиши бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини оширишда давлат ҳокимияти органлари муҳим рўл ўйнамоқда.

“Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”, деган тамойил кундалик ҳаётимизга тадбиқ этилгач, мамлакатимизнинг барча йўналишларида туб ислохотлар бошланди.

Хусусан, банклар ўз позициясини ўзгартириб, эшикма-эшик юриб, аҳолига имтиёзли кредитлар тавсия қилди. Ҳар бир туманда тўртта сектор ташкил этилиб, уларга туман ҳокими, солиқ кўмитаси раиси, туман прокурори, ИИБ бошлиғи



рахбар этиб тайинланди ва бу орқали фуқаролар билан ишлашнинг мутлақо янги тизими ишга тушди.

Албатта, жамият ривожидида мамлакат тараққиётининг замонавий босқичида бундай ислохотларнинг ўрни алоҳида.

Истаймизми, йўқми XXI асрга келиб жаҳоннинг тараққий этаётган давлатларида давлат бошқаруви тизимига самарали маъмурий механизмларни қўллаш амалиётига талаб ортиб бормқда. Шу боис эркин бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан бораётган мамлакатларда ислохотларнинг асосий эътибори давлат бошқаруви тизимининг номарказлаштириш жараёнларига сиёсий технологияларни қўллаш амалиётига қаратилмоқда. Бугунги кунда давлат бошқарув ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисмини демократик жамиятнинг ажралмас атрибути ҳисобланган фуқаролик жамияти институтларига, хусусан, ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига ўтказиш, унинг жамият ҳаётидаги ролини кучайтириш ва ваколатларини янада кенгайтириш масалалари долзарблашлаётир. Демак, Шавкат Мирзиёев иқтидорга келгач, айнан ушбу масалаларга жиддий эътибор қатариб, дастлаб ишни шундан бошлагани бежиз эмас.

Табиийки, бу ҳақда гап кетганда, энг аввало 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига тўхталмасликнинг иложи йўқ. айнан шу ҳужжатда давлат бошқарувининг мутлақо янги, самарали ва сифатли фаолият юритувчи тизимини яратиш, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро

этувчи ҳокимият органларининг уйғун фаолиятини ташкил этишга алоҳида ёндашилган.

Хусусан, унда охириги вақтларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани модернизациялаш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини юксалтириш бўйича давлат сиёсатини муваффақиятли амалга оширишда бир қанча муаммолар – ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини ташкил этиш асослари ҳудудларни ривожлантириш суръатларини пасайтирувчи, жойларда тўпланиб қолган муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилмаётгани, айрим ижро этувчи ҳокимият органларига юклатилган вазифаларнинг декларатив хусусиятга эгаллиги, уларни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари етарли эмаслиги, вазифаларнинг такрорланиши ва давлат томонидан ортиқча тартибга солиш ҳолатларининг мавжудлиги амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатаётгани, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг амалдаги тизими қабул қилинаётган қарорларнинг ижросига тўсқинлик қилувчи тизимли муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш таъминланмаётгани каби муҳим омилларга урғу берилган.

Кўрсатиб ўтилган муаммоларни бартараф этиш, инновацион ривожланишнинг замонавий умумжаҳон тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил рўёбга чиқариш мақсадида ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг институционал ва



ташкилий-ҳукукий асосларини такомиллаштириш, ижро этувчи ҳокимият органлари, шу жумладан, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш ва тугатишнинг аниқ мезонлари ҳамда тартиб-таомилларини жорий қилиш, ижро этувчи ҳокимият органлари, уларнинг тузилмалари ва бўлинмаларини оптималлаштириш, ижро этувчи ҳокимият органлари ва улар раҳбарларининг бириктирилган соҳада давлат сиёсати амалга оширилишида мустақиллигини ошириш, “Электрон ҳукумат” тизимини янада кенг жорий этиш, давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, маъмурий адлия тизимини ривожлантириш кабилар давлат бошқаруви тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича маъмурий ислоҳотларнинг асосий йўналишлари этиб белгиланди. Ва бу йўлдаги ишлар изчил давом эттирилди.

Давлат бошқарувидаги олиб борилган изчил ислоҳотлар пировардида ўзини оқлади. Буни фуқаролар ўз ҳаётида яққол ҳис қила бошлади. Марказий ва маҳаллий ижроия ҳокимияти ҳамда унинг тузилмалари ўзаро алоқалари ва муносабатларини номарказлаштириш натижасида фуқароларнинг бошқарув жараёнида фаоллашуви, аҳолига давлат хизмати кўрсатишга ажратилган давлат бюджетини тежашга олиб келиши, давлат хизмати кўрсатишнинг янги юзлаб турларини бошқарувда қўллаш туфайли жамиятнинг янада ривожланиши, фуқароларнинг ўсиб бораётган манфаатлари ва талабларини янада кўпроқ қондиришга эришилиши, ижроия ҳокимияти бошқаруви самарасининг кескин ошиши, оптимал ва оқилона бошқарувнинг фуқаролик жамияти қуриш учун қулай шарт-шароитлар яратиши каби жиҳатларни илмий таҳлил этиш энг

долзарб, кечиктириб бўлмайдиган вазифалар эканлигига муҳим аҳамият қаратиш зарур.

Юқорида таъкидлаганимиздек, “Халқдавлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган принципнинг илгари сурилгани ва бу соҳада амалий ишлар қадамба-қадам амалга оширилиши натижасида янада жадаллашди. Мазкур принцип асосида номарказлаштириш сиёсатнинг асосий ғоясига айланди. Ана шу принципни амалга ошириш Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг асосий мақсадларидан бирига айланди.

Давлат ҳокимияти органлари бошқарув тизимини номарказлаштириш асосида модернизациялаш соҳасидаги туб бурилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони қабул қилинганидан кейин бошланди. Фармонда жаҳондаги ривожланган давлатлардаги бошқарув тизимига хос бўлган янги миллий модель – Ш.Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси” эълон қилинди. Мазкур концепциянинг мазмун моҳияти мамлакатда марказий ва маҳаллий ижроия ҳокимияти тизимини номарказлаштириш асосида модернизациялашдан иборат бўлди.

Ўзбекистонда давлат ҳокимияти органини номарказлаштириш асосидаги давлат бошқаруви тизимини модернизациялашдан асосий мақсад – давлат бошқарувининг барча бўғинлари ўртасида, хусусан, марказий ва маҳаллий давлат ижроия ҳокимиятлари вазифалари,



ваколатлари ва ўзаро масъулиятларини оптимал тарзда тақсимлаш эвазига давлат бошқаруви ваколатларини самарали амалга ошириш ва аҳолига кенг ижтимоий хизматлар кўрсатишга, шу билан бирга, турли даражадаги ҳокимият органлари бюджетлараро муносабатларнинг оқилона ва самарали тизимини шакллантиришга қаратилди.

Бир сўз билан айтганда, бугун давлат бошқарувида мислсиз ислохотлар рўёбга ошмоқда. Албатта бундай вазиятда фуқаролар ҳам бошқарув жараёнида

фаоллашиши зарур. Зотан, жамиятнинг янада ривожланиши, фуқароларнинг ўсиб бораётган манфаатлари ва талабларини янада кўпроқ қондиришга эришилиши, ижроия ҳокимияти бошқаруви самарасининг кескин ошиши, оптимал ва оқилона бошқарувнинг фуқаролик жамияти қуриш учун қулай шарт-шароитлар яратиши каби жиҳатларни илмий таҳлил этиш энг долзарб, кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифалар сирасига киради.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сон Фармони./ <https://lex.uz/docs/3107036>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ – 5185-сон Фармони./ <https://lex.uz/docs/3331174>
3. Жўрабекова Х. Маҳаллий ҳокимият ижроия органларининг номарказлаштириш назарияси ва унинг моҳияти // Андижон давлат университети Илмий хабарномаси. – Андижон: 2010. – №4. – Б.37-4. (23.00.00. № 13).